



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 21-may. Seshanba 61 (31.651) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

«Ўзбекистон Халқ демократик партияси барча даражадаги депутатлик гуруҳларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш орқали аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, хотин-қизлар ва ёшлар, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг самарадорлигига эришиш учун курашади.»

2013 йил — Обод турмуш йили

ТИББИЙ КЎРИК ВА ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига «Саломатлик» поезда жўнатилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан тегишли давлат ва жамоат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа экологик жиҳатдан ноқулай шароитда истиқомат қилувчи аҳолининг тиббий-ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида пойтахтимиздан борган мала-

кали врачлар ва маҳаллий шифокорлар, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг жойлардаги тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳлари мутахассислари ногирон болалар, хотин-қизлар, кўп болали оилалар аъзоларини тиббий кўриқдан ўтказди. Жойлардаги даволаш-профилактика ҳамда бир қатор ижтимоий муассасаларга кийим-кечак, дори-дармон, тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари етказилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири.

Тадбир

Ички ишлар идораларида сержантларнинг хизмат ва жанговар тайёргарлиги ҳамда нуфузини ошириш мақсадида 2004 йилда Президентимиз ташаббуси билан ИИВ Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари ташкил этилган эди.

ВАТАНГА САДОҚАТ ҚАСАМЎДИ



Бугунги кунда мазкур курсларда ички ишлар идоралари хизматига ҳар томонлама етук, Ватанга садоқатли кадрлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ўқув полигонига Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларига қабул қилинган курсантларнинг Ватанга содиқлик қасамёдини қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Олий курслар бошлиғи, полковник С.Тангирбердиев курсантлар хизмат қасамёдини қабул қилишга тайёр эканлиги тўғрисида ахборот берди.

Академия бошлиғи полковник Ш.Икромов тадбирни очар экан, курсантлар таълим муассасасида чуқур билим олиб, мутахассислик сир-асрорларини пухта ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани, кенг ва ёруғ аудиториялар, маъруза заллари, зарур техника воситалари улар ихтиёрида эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг курсантлар ўз Ватани, халқи ва Президентига содиқ бўлишга қасамёд қилдилар.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А.Мирзаев курсантларни

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази



ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади

Ислохотлар юртимизнинг барча ҳудудларини кўлами жиҳатдан тенг равишда қамраб олишида ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла муҳим ўрин тутади. Шу боис ижтимоий ислохотлар самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётган жараёнда юртимизда маҳаллаларнинг ривожланиши муҳим масалалар сирасига киради. Бу эса халқимизга хос бўлган жиҳатларни ўзида тўлалигича акс эттиришига маҳалланинг тутган ўрни қай даражада долзарб эканидан далолатдир. Мазкур жараёнда фаол иштирок этиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда.

Спорт



БЕШ ҚИТЪАНИ БИРЛАШТИРГАН ТУРНИР

Термида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънанвий XI халқаро турнир якунланди.

→ 4

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ғаллаорол туманида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 60 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатади. 2300 нафарга яқин партиядошимиз бирлашган мазкур ташкилотлар амалга оширилаётган ислохотлар, қонун ва қарорлар тарғиботи, жойларда ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш, электоратнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, аъзоларнинг жипслигини таъминлашда туман партия кенгашининг асосий таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Маҳалламизда тузилган бошланғич партия ташкилотига 32 нафар аъзо бирлашган. Улар партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. Бугун кўйи бўғин етакчиси зиммасига катта масъулият юкланган. У, аввало, одамлар орасида, меҳнат жамоасида обрў-эътиборли, мустақил фикрли, ташкилотчи ва сиёсий билимдон бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда, у етакчи сифатида ҳудуддаги муаммолар,

чили давлат бошқарувида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлган сиёсий кучнинг кичик, аммо муҳим бўлаги эканини яхши англаб етиши зарур.

Етакчи ўз фаолиятини бугунги ҳаёт, амалга оширилаётган ислохотлар, демократик ўзгаришлар талабидан келиб чиққан ҳолда ташкил этса, ўзи ҳам, сиёсий партия ҳам бундан фақат обрў-эътибор қозонади.

Биз ҳам фаолиятимизни Дастурий мақсадларимиздан келиб чиқиб, электоратимиз вакиллари — кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш, сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга ҳаракат қилаёلمиз.

Кейинги вақтларда давлат ва жамият бошқарувини ташкил этиш, демократлаштириш борасида сиёсий партияларнинг масъу-

ҚУЛАЙ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК



ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2013 ЙИЛ 21 МАЙДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ					
1 Евро	2687,37	1 Дания кронаси	358,26	1 Хитой юани	338,44
1 АҚШ доллари	2077,92	1 БАА дирҳами	565,74	1 Украина гривнаси	259,97
1 Россия рубли	66,19	1 Миср фунти	297,87	1 Малайзия ринггити	688,85
1 Австралия доллари	2034,08	1 Исландия кронаси	16,87	1 Польша злотийси	640,07
1 Англия фунт стерлинги	3159,06	1 Канада доллари	2021,52	1 СДР	3099,01
				1 Туркия лираси	1129,37
				1 Швейцария франки	2146,39
				10 Жанубий Корея вони	18,61
				10 Япония иенаси	202,49

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади



Лойиха доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Самарқанд вилоят кенгаши Пахтачи туманида «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» мавзусида амалий семинар ўтказди.

Мазкур тадбирда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, Марказий банк Самарқанд вилоят бошқармаси, тижорат банклари, вилоят давлат солиқ бошқармаси, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг вилоят бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пахтачи туман бўлими вакиллари иштирок этди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойихаси, унинг амалга оширилиши ва натижалари ҳақида маълумот берди.

— Ушбу лойиҳадан қўзланган асосий мақсад маҳалла аҳолиси, айниқса, партия электорати вакиллари уйлантирилган масалаларни ўрганиш, уларнинг сиёсий-иқтисодий билимларини янада ошириш, янги тахрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва

(Давоми. Боши 1-бетда.)

унинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисида»-ги Қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ тарғиб қилиш, аҳолини манзилли ижтимоий химоя қилиш борасида Президент Фармон ва Қарорлари бажарилиши, Қонунларда белгиланган меъёрларнинг қай даражада амал қилаётганини ўрганишдир, — деди у. — Тадбир давомида ўтказилган мониторинг орқали аҳолини уйлантирилган масалаларни аниқлаш, уларни ўз жойида ҳал этишга кўмаклашиш, мониторинг натижалари асосида электротар унч фойдали бўлган масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари, сессиялари муҳокамасига олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалий семинар доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ҳафиза Каримова ва Дилбар Холиқова томонидан юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларининг ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг оқиллиги тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий экспертизанинг мазмун-моҳияти ҳақида иштирокчиларга атрафлича тушунча берилди.

— Маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бораёпти, — дейди **ЎзХДП Пахтачи туман кенгаши раиси Исмаил Санаев**. — Туманимизда 65 та маҳалла мавжуд. Уларда аҳолини, хусусан, ижтимоий химояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаёпти. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, баъзи турар-жой-

лар ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши сустлик билан олиб борилаётгани касб-хунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича иш ўринлари билан таъминлаш жараёнига салбий таъсир ўтказётгани аниқланди. Бу ҳолатни ўрганиш бўйича йиғилган маълумотлар асосида мазкур масала халқ депутатлари Пахтачи туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан туман Кенгаши сессиясига киритиш учун тайёрлаб қўйилди.

Шунингдек, яқинда тижорат банкларининг туман бўлиmlари томонидан ажратилган кредитлар эвазига 154 та хонадонда иссиқхона ташкил этилди. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари уларга ташкилий-ҳуқуқий масалаларда яқиндан ёрдам кўрсатишди. «Ниёз-жойи», «Мирзо Нодир» маҳаллаларида ташкил этилган иссиқхоналарда йил давомида ҳосил этиштириш имкони бор. Меҳнат қилаётганлар кам бўлмаёпти. Энг муҳими, аҳолининг ижтимоий химояси таъминланмоқда. Бунда партия-миз иштироки ҳам сезиларли даражада ошиб бораёпти.

— Анчадан буён иссиқхона ташкил этиш ниятида юрган эдим, — дейди **Сафар Тошпулатов**. — Маблағга эҳтиёж сезиб юрган бир пайтда ЎзХДП Пахтачи туман кенгаши томонидан аҳолини ижтимоий химоя қилишга қаратилган тадбирлар ўтказилаётгани ҳақида эшитиб қолдим. Партия фаоллари ва депутатларга учрашдим. Улар менга бизнес-

режа тузиш, кредит олиш йўл-йўриқлари, шунингдек, ишни ташкил этиш тўғрисида маълумот беришди ва фаолиятимни йўлга қўйишда мутахассисликлари билан бирга яқиндан кўмаклашишди. Айни кунда тўрт сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, полиз экинлари етиштирялгимиз. Оила аъзоларимнинг барчаси шу ерда меҳнат қилади. Энг муҳими, даромадимиз, оиламизнинг фаровонлиги ошаёпти.

Амалий семинар давомида, шунингдек, тадбирнинг ижтимоий ҳамкори — Марказий банк ҳамда тижорат банклари вакиллари томонидан лойиҳалари истиқболли деб топилган 45 нафар касб-хунар коллежи битирувчисига имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Жорий йил давомида вилоятдаги тижорат банклари касб-хунар коллежлари битирувчиларига 10 миллиард сўмлик имтиёзли кредит бериш режалаштирилган, — деди **Марказий банк Самарқанд вилоят бош бошқармаси етакчи мутахассиси Орифжон Файзуллаев**. — Жорий йилнинг май ойига қадар 2,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари коллеж битирувчиларининг иш бошлаши учун берилди.

— Пахтачи педагогика коллежини битираётган, — дейди **Насиба Тўхтамуродова**. — Миллий хунармандчиликка қизиқаман. Ўзбекистон ХДП фаоллари кўмағида режа тузиб, Халқ банкнинг Пахтачи туман филиалига хунармандчиликда ўз ишимни ташкил этиш мақсадида ҳужжат топ-

ширган эдим. Менга икки миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Энди ўзим истиқомат қилувчи «Бўстон» маҳалласида тиккувчилик цехи очаман. Тенгдошларимнинг 4 нафарини иш билан таъминлашни мақсад қилганман.

Лойиҳа доирасида, шунингдек, бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди. Унда Пахтачи туманидаги қатор қорхона, ташкилот ва муассасалар бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ёшлар мутахассислиги ва қизиқишига мос иш ўринлари билан танишиб, касб-хунар коллежи битирувчиларинг 56 нафари ишга жойлашиш бўйича шартнома имзолашди. Аҳамиятлиси, меҳнат бозорига рақобатлашишга қодир бўлмаган 19 нафар электротар вакили ўзига мос иш ўрнига эга бўлди.

Тадбирда, шунингдек, Пахтачи туман ҳокимлиги, Педагогика коллежи, ХДП туман кенгаши ҳамкорликда ўтказган «Намунали талаба» танлови ғолиблари Расулова Фазилат ва Дониёва Шахлога тумандаги 22-ўрта мактаб ҳамда 4-мактабгача таълим муассасасида ишлашга йўлланма берилди.

Тадбир давомида кўнча Жамоатчилик қабулхонаси ҳам ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари аҳолини, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларни уйлантирилган масалалар бўйича мунозараларни тинглаб, тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришди.

Бундан ташқари, тадбирда аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатлами манфаатларини химоя қилиш борасида туманда олиб борилаётган ишлар, замонавий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имкониятлари хусусида ҳам фикр алмашилди. Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган масалаларни халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиқиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



ҚУЛАЙ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш, ҳудудий sanoat қорхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинаётган Халқаро sanoat ярмаркаси ва Кооперация биржаси иқтисодий таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу Андижон шаҳрида ўтказилган Ҳудудий sanoat ярмаркаси ва Кооперация биржасида ҳам аққол намойён бўлди.

Ярмаркада вилоятдаги 190 қорхона ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган 800 дан зиёд турдаги маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар намоиши этилди. Бундан ташқари, унда Наманган, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир қатор ишлаб чиқариш қорхоналари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Анъанавий ярмаркада юртимиз автомобилсозлик sanoatининг етакчи қорхонаси бўлган «GM-Ўзбекистон» автомобиль заводига бутловчи қисмлар ва жиҳозлар етказиб берувчи қорхоналар маҳсулотлари алоҳида ўрин эгаллади.

— Қорхонамизда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун 70 турдан зиёд бутловчи қисм тайёрланади, — дейди «Ўз-Сэмюн Ко» Ўзбекистон — Жанубий Корея кўшма қорхонасининг маҳаллийлаштириш бўлими муҳандиси Одилжон Каримов. — Айни пайтда қорхонамизда «Lacetti» русумли автомобиллар учун ёниги баки ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб борилаётган. Тез орада мазкур лойиҳа тўла амалга оширила бошлайди.

Ярмаркада намоиши этилган озиқ-овқат, sanoat, трикотаж маҳсулотлари, спорт жиҳозлари, уй-рўзгор буюмлари кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди.

Айни вақтда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида бажарилаётган ишлар, қорхоналарнинг модернизация қилиниши, ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жорий этилиши натижасида вилоятда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати

ошиб бораётган. — Қорхонамизда 50 хилдан зиёд эркаклар, аёллар ва болалар пойабзали ишлаб чиқарилади, — дейди «And China invest» кўшма қорхонаси раҳбари Диёрбек Ҳакимов. — Хорижий технология асосида тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг сифати юқорилиги боис уларга талаб катта.

Ярмаркада «SDP Group And», «Klav teks», «Barchino», «Keraz», «Rash milk», «Фусункор», «Андижончарм» каби қорхоналар томонидан тақдим этилган қурилиш материаллари, электротехника, энгил ва автомобиль sanoati, трикотаж ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўпчилик буюртмачиларнинг эътиборини тортиди. Тадбир давомида йирик sanoat қорхоналари ва кичик қорхоналар, хусусий тадбиркорлар ўртасида қўллаб-қувватлаш шартномалари тузилди.

— Ишлаб чиқариш қорхоналарининг ярмаркадаги иштироки ўтган йилгига нисбатан анча салмоqli бўлди, — дейди вилоят иқтисодий бош бошқармаси бўлими бошлиғи Голибжон Равшанбеков. — Ўтган йилги ярмаркада 162 қорхона иштирок этиб, қарийб 8,5 миллиард сўмлик шартнома тузилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 9 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди.

Самарали ўтган ярмарка нафақат ишлаб чиқарувчилар, балки юзлаб чакана ва улгурчи савдо қорхоналари вакиллари ҳам қулай ва манфаатли ҳамкорлик шартномалари тузиш учун кенг имконият яратди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Парламент фаолияти

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР

жамиятда ўз ўрнини топиши лозим

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси «Имкониятлари чекланган болалар учун инклюзив таълим: халқаро тажриба ва истиқбол» мавзуда давра суҳбати ўтказди.

Унда депутатлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия, Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларининг мутахассислари мамлакатимизда инклюзив таълимни ривожлантириш, миллий қонунчилигимизда бу борада белгиланган меъёрларнинг ижросини таъминлаш каби масалалар хусусида фикр алмашди.

«Таълим инсон шахсининг баркамоллигига ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига хурматнинг ортиб бораверишига қаратилади лозим», дейилади БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 26-моддасида. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ, иштирокчи давлатлар халқаро ҳамкорлик руҳида профилактик соғлиқни сақлаш ҳамда норасо болаларни тиббий, психологик ва функционал даволаш соҳасидаги, шунингдек, реабилитация услублари, умумтаълим, касбий таълим борасидаги тегишли ахборот-маълумотлар алмашинуви ва ундан қулай фойдаланиш учун шартлар яратиш керак. Бу иштирокчи давлатларнинг шу соҳадаги тажрибасини юксалтиришга имкон яратди.

— Инклюзив таълим болаларни камситишнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймайди керак, деган ёндашувга асосланади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия ЮНУСОВА**. — Бундай таълим барчага бир хил му-

носабатда бўлиши таъминлади ва алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган болаларга шарт-шароит яратади. Миллий қонунчилигимиз таҳлили шуни кўрсатадики, таълим соҳасидаги сиёсат тан олинган халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ва дунё андозаларига жавоб беради.

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОИЙ ХИМОЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ИШТИРОК ЭТИШДА БОШҚА БОЛАЛАР БИЛАН ТЕНГ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГАДИР. ШУНИНГ УЧУН ДАВЛАТ УЛАРГА МЎЛЖАЛАНГАН МАХСУС ДАСТУРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАШАББУСКОРИ БЎЛАДИ ҲАМДА ЗАРУР РЕСУРСЛАР АЖРАТАДИ. ФРАКЦИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ ЎЗ ФАОЛИЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП ДАСТУРИЙ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ РАВИШДА ИЖТИМОИЙ ХИМОЯНИ КАФОЛАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН, ҚАРОР ВА ДАСТУРЛАР ИЖРОСИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАҲЛИЛ ЭТИБ БОРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛМОҚДА.



«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги Қонунда ҳар бир боланинг таълимга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш борасида мамлакатимизнинг аниқ ёндашуви ифодаланган. Хусусан, Қонуннинг 23-моддасида ҳар бир боланинг билим олиш ҳуқуқи, бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар таълими олиши давлат томонидан кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Таълим, тиббиёт, маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар эркин ҳаракатланиши учун мослаштирилган бўлиши керак.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида»-ги Қонунда (янги тахрир) ногиронларнинг таълим олиши ва кас-

бий тайёргарлиги кафолатлари мустаҳкамланган.

Давра суҳбати иштирокчилари инклюзив таълим бўйича ННТлар, хусусан, Болаларнинг Республика ижтимоий маслашуви маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Оилаларни ва болаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ва бошқа муассасалар фаолияти билан яқиндан танишишди. Депутатлар ва мутахассислар инклюзив таълимни ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни хусусида фикр алмашишди.

Шунингдек, ногирон болаларга инклюзив таълим беришга оид халқаро тажриба ва бу борада юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида ҳам бўлиб ўтди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республика Халқ таълими вазирлиги «2012/2013 ўқув йили якунлари: амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги устувор вазифалар» мавзuida матбуот анжумани ўтказди. Матбуот анжуманини Халқ таълими вазири Улугбек Иноятов олиб борди.

Анжуманда таъкидланганидек, ўтган йили 363 та таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 14 та янги замонавий мактаб бунёд қилинди, 92 та спорт объектлари фойдаланишга топширилди. Физика, кимё ва биология лабораториялари бор мактаблар 7925 тага, компьютер синфлари ташкил этилган мактаблар 7173 тага, спорт заллари билан таъминланган мактаблар 6399 тага етказилди. Шунингдек, «Баркамол авлод» болалар марказларида 4000 дан зиёд тўғрақлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда 100 минг нафардан кўпроқ болалар шугулланмоқда.

Жорий йилда 381 та таълим муассасасида, жумладан, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактабиде қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. 117 та болалар спорт объектлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. 2013/2014 ўқув йили учун 364 номда қарийб 22 миллион нусхада дарслик ва ўқув қўллан-

малари чоп қилинади.

— Мактабда таълим сифатини янада ошириш мақсадида янги «Ўрган-ўргат» ва «Мураккаб фанни ўрганамиз» лойиҳалари қўшимча ривийда татбиқ этилди, — деди таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош қармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Худудий бирликлардаги 28 та (14 та шаҳар ва 14 та қишлоқ) тажриба-синов мактабиде 100 дан ортиқ дарс ишланмалари синовдан ўтказилди. 5-8-синф ўқувчилари ўртасида 16 та фан бўйича тўрт босқичли билимлар беллашуви, 9-синф ўқувчилари ўртасида фан олимпиадалари ўтказилди. Бу йил 9-синфни битираётган 532550 нафар (улардан 243501 нафари қиз) ўқувчининг қизиқишлари ўрганиб чиқилди. Уларнинг 10 фоизи академик лицензияга, 90 фоизи касб-хунар коллежини танлагани аниқланди.

— Ўқувчиларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши мактабдаги маънавий муҳитнинг соғлом-



лигига боғлиқ, — деди маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Хикматилла Даминов. — Шу боис ўқитувчи ва ўқувчи одоб-ахлоқ қоидалари мукаммаллаштирилди. Бу қоидаларнинг мазмун-моҳиятини ўқитувчи-ўқувчиларга, ота-оналарга, маҳалла фаолларига тўлақонли етказиш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда.

— Президентимизнинг Чет тилларни ўрганиш тизимини янада та-

комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан шу ўқув йилидан 1-синф ўқувчиларига чет тилларини оғзаки-сухбат тарзида ўргатиш бошланади, — деди умумтаълим мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи Абдураҳим Носиров. — Шу мақсадда 1-синфлар учун яратилаётган чет тили дарсликлари 130 та мактаб ва 14 та малака ошириш институтида тажриба-синовдан ўтказилди.

Улардан танлаб олинган инглиз, немис ва француз тили дарсликлари чоп этилиб, 15 августгача мактабларга етказилади.

ТАХЛИЛЛАР ШУНИ КўРСАТАЯПТИКИ, ЖОРИЙ ўқув йилидан 2045 та 1-СИНФДА ҚАРИЙБ 540 МИНГ НАФАР ўқувчи чет тилини ўрганишга киришади. ШУНИНГДЕК, МАКТАБЛАРДА ҚўШИМЧА ЧЕТ ТИЛИ ХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ, ЧЕТ ТИЛИ ўқитувчиларининг МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРГА ДАРС ТАҚСИМЛАШ бўйича, ИШЛАРИМИЗНИ ЙИЛ САЙИН ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРИШИМИЗ КЕРАК БУЛАДИ.

Матбуот анжуманида кунни кеча Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўртамаксус, касб-хунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан Халқ таълими вазирлиги олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Асрор МҮМИН

Спорт

БЕШ ҚИТЪАНИ БИРЛАШТИРГАН ТУРНИР

Хар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур турнир бу йил жаҳоннинг қирққа яқин давлатидан 150 га яқин полвон, ҳакам ва меҳмонларни Жайхун соҳилига жам қилди. Соврин жамғармаси 20 минг АҚШ долларини ташкил қилган мусобақада полвонлар 66, 81 ҳамда мутлақ вазн тоифасида кураш олиб борди.

Ўн минг томошабинга мўлжалланган «Сурхон» спорт мажмуаси кураш ихлосмандлари билан ўлиб-тошди. Стадион атрофида барча иштирокчи давлатлар байроқлари осмонимиз узра ҳилпиради.

Халқаро турнирни Сурхондарё вилояти ҳокими Нормўмин Чориев кириш сўзи билан очиб, йиғилганлар ва меҳмонларни қизгин муборакбод этди. Ватанимиз мадҳияси янгради. Шундан сўнг, Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комилжон Ёсупов ушбу кураш байрами билан барчани табриқлаб, иштирокчиларга омад тилади.

19 май кунини эрталаб мусобақалар бошланди. Дастлаб, ёш ва фахрий полвонларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди. Фолибларга эсдалик ва кимматбахо совғалар топширилди. Махсус сертификатлар тақдим этилди. Шундан кейин 66 ва 88 килограмм вазндаги полвонлар кураш бошланди.

66 килограмм вазнда барча рақиблари устидан соф ғалабага эришган сурхондарёлик Шарофидин Лутфуллаев 1-уринни эгаллаган бўлса, 2-урин қозогистонлик Ирискул Абдурасуловга насиб этди. Бронза медаллари билан Таиланд ҳамда Хитойдан келган полвонлар тақдирланди.

— Хитойда кўпчилик ёшлар дзюдода меҳр кўйган, — дейди **Чан Кай Фенг** жаноблари. — Аммо кураш федерацияси ташкил этилгач, қизиқувчилар сони кўпайди. Жаҳон чемпионатларида юқори ўринларни эгаллаётган полвонларимиз бор. Бугун мамлакатимиз спортчиси бронза медалини кўлга киритди.

Полвонларнинг ҳар бир беллашуви муҳлислар томонидан олқишлаб турилди. Айниқса, 81 килограмм вазн тоифасида ўтказил-



ган мусобақалар мурасасиз ва кескин баҳсларга бой бўлди. Асосий ўринлар учун кураш ҳамюртларимиз қатори Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой, Қозогистон ва тожикистонлик курашчилар ўртасида кечди. Узоқ давом этган беллашувлардан кейин ўзбекистонлик Бекзод Тўрабоев ва қозогистонлик Улжас Кенеханов финалда рубарў келди. Рақибини 20 сониядаёқ соф ғалаба билан мағлубиятга уратган юртдошимиз мазкур вазнда голуб деб топилди ҳамда олтин медалга сазовор бўлди. Конголик ва тожикистонлик спортчилар эса шоҳсупанинг 3-поғонасидан жой олди.

Куннинг иккинчи ярмида гиламга мутлақ вазн тоифасидаги полвонлар чиқди. Дастлабки баҳсларданқў Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Эрон ва Тожикистон Республикаларидан келган полвонлар мутлақ вазнда асосий даввогар эканлиги маълум бўлди.

Мусобақанинг финалида Ўзбекистоннинг номдор полвонларидан бири Самижон Убайдуллаев

тожикистонлик Парвиз Собиров билан рубарў келди. Қизгин кечган баҳсда Самижон Убайдуллаев устун келди ва Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган бу йилги турнирнинг мутлақ голиби, деб топилди.

— Бу ажойиб спорт турининг келажакда Олимпия ўйинларига киритилишига ишонаман, — дейди **Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси, польшалик Ирена Шевинска**. — Чунки кураш қисқа даврда беш қитъа, 120 дан ортиқ мамлакатда оммалашди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг чексиз хизматлари бор.

— Ўн йилдан буён мураббийлик қиламан, — дейди **ҳиндистонлик Рави Капур**. — Мамлакатимизда курашга қизиқувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Айни кунларда 20 минг нафардан ортиқ йиғитқиз мунтазам шугулланиб келяпти. Термизга иккинчи бор келишим. Ушбу турнир полвонларимиз учун тажриба ошириш, унинг сирсиноатлари билан яқиндан танишиш имкониятини яратди.

— Бугунги беллашувларни Кўмитамиз аъзолари кузатиб борди, — дейди шу йилнинг ёзида **Инчон (Жанубий Корея)да ёпиқ спорт иншоотларида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари ташкилий қўмитаси аъзоси Чо Хеунг Кеун**. — Ўзбек курашининг Осиё ўйинларига киритилишига ва дунё халқларининг севимли спорт турига айланishiга ишонаман.

— Халқаро турнир ҳақида дунёнинг юзлаб мамлакатлари бевосита хабардор бўлди, — дейди **Хитойнинг «Синьхуа» ахборот агентлиги мухбири Дун Лунцзян**. — Кураш асосида мардлик, чаққонлик ва ҳалоллик ётади. Бугун дунё полвонлари қадимий Термизда йиғилиб, курашнинг жозибadorлигини яна бир бор намойиш қилди. Халқингизнинг курашга бўлган муҳаббати мени қайил қолдирди. Стадионда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ишқибозлар полвонларнинг ҳар бир харақатини ҳайқирдиқлар билан қувватлаб турди.

Ақбар ЖОНУЗОҚОВ, Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Тақдимот

Юртимизда спортга, хусусан, болалар эътибор қаратилмоқда. Бунинг яна бир ёрқин намунаси сифатида «Polvonjon» болалар ва ўсмирлар спорт журналининг чоп этилаётганини айтиш лозим.

«POLVONJON» — БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИНГ СПОРТ ЖУРНАЛИ



— Журналимиз Халқ таълими вазирлиги ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда чоп этилмоқда, — дейди **«Polvonjon» журнали бош муҳаррири Жамшид Набиев**. — Биз биринчи навбатда Ўзбекистон спорт англоликлари, юртимиз шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимиз, жаҳон спортининг таниқли намояндалари, юртимизда мавжуд ва янги очилган спорт иншоотлари, спортга ихтисослашган ўқув муассасалари ҳақида батафсил маълумот берамиз. Шунингдек, спорт турлари тарихи, ривожланиши ва қоидалари ҳақида ҳам мақола-

лар чоп этилади. Ўтган йили журналимиз Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ноҳижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда иштирок этиб грант ютиб олди.

— Президентимиз яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг навбатдаги мажлисида болалар спортига бўлган эътиборни жаҳон андозаларига мос ва хос равишда ташкил этиш шарт эканлигини таъкидлаган эди, — дейди **«Polvonjon» журнали масъул котиби Маъмура Мамадалиева**. — Мана шу эзгу мақсадлар бугун ўзининг мевасини кўрсатмоқда. Юртимиз қишлоқларидаги мактаб парчасида ўтирган болалар айни пайтда жаҳон чемпиони бўлишяпти. Биз айнан шу каби ютуқларни кенгроқ эриштириш мақсад қилганмиз. Токи бу ҳақда ўқиган бошқа бир болада ҳам спортчи бўлиш, Ватани шарофига халқаро майдонларда ҳимоя қилиш истаги туғилсин. Менинг ўғлим ҳам спортчи. У олти ёшидан бошлаб спорт тўғралигида олиб боришимизни сўраб эди. Айни пайтда «Бунёдкор» футбол клубида дарвозабон. Журналимиз спортнинг бошқа турлари ҳақида мақолалар билан бирга оммавий спортни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Темур АЪЗАМ

Футбол

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги нимчорак финал жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.

Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» (Фузор) — «Насоф» (Қарши) — 0:1 (дастлабки учрашув — 0:2), «Истиқлол» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона) — 0:0 (0:1), «Навбахор» (Наманган) — «Машъал» (Муборак) — 0:2 (1:2), «Локомотив-БФК» (Тошкент) — «Қизилқум» (Зарафшон) — 1:3 (0:4), «Олмалик» (Олмалик) — «Гулистон» (Гулистон) — 3:1 (0:2), «Локомотив» (Тошкент) — «Кўқон-1912» (Кўқон) — 2:0 (2:1).

Энди 24-25 июнь ҳамда 8 июль кунлари ўтказиладиган чорак финал баҳсларида «Бунёдкор» — «Машъал», «Қизилқум» — «Локомотив», «Насоф» — «Нефтчи», «Гулистон» — «Пахтакор» жамоалари ўзаро куч синашади.

БОШ МУРАББИЙ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лига баҳсларини муваффақиятсиз бошлаган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси мураббийлар штабиде ўзгаришлар амалга оширилди.

Фарғоналикларга узоқ йиллар бош мураббийлик қилган Юрий Саркисян истеъфого чиқарилди. Шунингдек, футбол клуби раҳбарияти «Нефтчи» жамоасида фаолият кўрсатган мутахассислар Сергей Лебедев, ака-ука Дўрмоновлар билан ҳам амалдаги шартномаларни бекор қилди.

Эслатиб ўтамиз, бунгача Зарафшоннинг «Қизилқум», Самарқанднинг «Динамо», Фузорнинг «Шўртан» футбол клубларида бош мураббийлар алмаштирилганди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

ОБ-ҲАВО	21-22 – 05. 2013
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+12 / +17	+25 / +30
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+13 / +18	+27 / +32
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+13 / +18	+27 / +32
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+15 / +20	+27 / +32
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+13 / +18	+25 / +30
Тошкент шаҳри	
+13 / +15	+27 / +29
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+7 / +8
Париж	+9 / +8
Москва	+15 / +16
Мадрид	+7 / +8
Пекин	+15 / +16
Канберра	0 / +3
Рим	+15 / +14
Афина	+13 / +15
Токио	+17 / +15
Стокгольм	+6 / +10
Кейптаун	+13 / +11
Қоҳира	+17 / +19
Гавана	+24 / +25
Вашингтон	+17 / +16

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kothibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546
16380
naxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 20.30 Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433



1 2 3 4 5